



International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

АЛКОГОЛ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЁКИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ: НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

Азамат Эсанов

Тошкент Давлат Юридик университети илмий изланивчиси

Аннотация: мазкур мақолада алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги жиноятларнинг объекти ва объектив белгилари, субъекти ва субъектив белгилари ҳақидаги назарий таҳлиллар ёритилган. Ушбу жиноятларни вужудга келиш омиллари, малакалаш услублари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: жиноят, жиноий жавобгарлик, алкогольли маҳсулотлар, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятнинг белгилари, этил спирти, тамаки маҳсулоти.

Алкогол маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги жиноятларнинг объектив белгилари деганда мазкур жиноятнинг объекти ва объектив томони тушунилади.

Барчамизга яхши маълумки, бозор иқтисодиёти жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуидир. Унинг моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз мусобоканинг иштирокчиларига айлантиради, шу боисдан бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифатининг яхшиланиб боришига, миқдорининг эса кўпайишига сабаб бўлади. Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг аксар соҳаларида кўплаб ижобий ютуқларга эришиб бораётганлиги табиий жараёндир.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан ҳам белгиланадики, ушбу жиноят нафақат ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг белгиланган тартибига зарар етказди, балки этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятининг содир этилиши натижасида инсонлар соғлиғига ҳам зарар етиши мумкин.

Ушбу жиноятлар объектив белгилари таҳлилинини уларнинг объектини ўрганишдан бошлаш ўринли бўлар эди. Жиноят объектини тўғри аниқлаш ижтимоий хавфли қилмишнинг юридик табиатини ёритиб бериш, унинг шакл ва мазмунини ҳамда субъектлар доирасини

аниқлаш, бошқа жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан ажратиш имконини беради. Баъзи ҳолларда айнан объектга асосланиб, бир жиноятни иккинчисидан фарқлаш мумкин. Жиноят объектини аниқламасдан, жиноий қилмишни тўғри квалификация қилиш мумкин эмас¹.

Энди мазкур жиноий қилмишнинг объектив томони хусусида тўхталиб ўтиш лозим.

Этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти объектив томони қилмишнинг ташқи ифодаланиш шаклида намоён бўлади. Хусусан, “объектив томондан жиноят, - М.Х.Рустамбаев қайд этганидек, - этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишда ифодаланади”¹.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотлари муомаласи – бу уларни сотиб олиш (шу жумладан, импорт), етказиб бериш (шу жумладан, экспорт), сақлаш ва чакана сотишдир.

Жиноят кодексининг 190-моддасида назарда тутилган “Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш” **жиноятининг субъекти** 16 ёшга етган, ақли расо, қонунга биноан лицензия олиниши керак бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланишни амалга оширган жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Алкогол маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги жиноятларнинг субъектив белгилари уларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда инobatга олинadиган муҳим таркибий белгилари ҳисобланади. Мазкур жиноятларнинг субъектив белгилари тимсолида уларнинг субъекти ва субъектив томонига оид белгилар мажмуи намоён бўлади.

Бундай жиноятларнинг субъектив белгилари хусусидаги таҳлилни жиноятнинг субъектидан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Бунда авваламбор, этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъект масаласига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, Г.Н.Борзенков таъкидлаганидек, “жиноят субъекти – бу қасддан ёхуд эҳтиётсизликдан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс”². А.В.Арендaренко бу ҳақда шундай ёзади: “Жиноят субъекти - жиноий жавобгарлик ёшига етган, ақли расо жисмоний шахсдир”³.

Субъект ўн олти ёшга тўлган ва этил спирти, алкогольли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланadиган ақли расо шахс бўлади⁴.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъекти умумий, яъни ақли расо ҳамда жиноят содир этиш вақтида 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги йўқ шахслар ёки чет эл фуқаролари) ёхуд маҳсус яъни, тижорат ташкилотида муайян функцияни бажарадиган шахс ҳам бўлиши мумкин.

¹ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 124 б.

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Маҳсус қисм. – Тошкент: Илм–зиё, 2006. – 469 б.

² Уголовное право России. Общая часть / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. – М.: Зерцало, 2005. – 213 с.

³ Уголовное право. Часть общая. Часть Особенная. Учебник / Под ред. Н.И.Ветрова, Ю.И.Ляпунова. – М.: Юриспруденция, 2007. – 121 с.

⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Маҳсус қисм. – Тошкент: Илм–зиё, 2006. – 469 б.

Хусусан, В.Тюнин⁵ фикрича, жиноят субъекти сифатида ташкилотлар мансабдор шахслари ва раҳбарлари, якка тадбиркорлар чиқиши мумкин. Унинг фикрича, кўрилатган модда диспозицияси мазмуни ушбу жиноят субъекти фақатгина унда кўрсатилган ҳаракатларни бевосита содир этган шахс бўлиши мумкин деган, ёлғон тасаввур ҳосил қилади. Бу эса, ўз навбатида жиноий жавобгарликка нафақат якка тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва раҳбарлари, балки иккинчи даражали жиноят иштирокчиларигина (сотувчи, ишлаб чиқаришда ёрдамчи ва ш.к.) тортилиши хавфини келтириб чиқаради.

Биз В.Тюниннинг ушбу жиноят субъекти сифатида якка тадбиркор, корхона ва ташкилотнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслари ҳам чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрига қўшилаемиз.

Бироқ у томонидан таклиф этилган механизмда субъектни белгилашда бир томонлам ёндашув шаклланганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Зеро, бу мазкур модда ҳукукий моҳиятини торайтиради. Чунончи, башарти жиноий жавобгарликка фақатгина муайян мансабни эгаллаган ёки бошқарув функцияларини амалга оширадиган шахсларгина тортилса, жиноятнинг бошқа иштирокчилари (маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчилар, ўтказувчилар ва ш.к.) жиноий жавобгарликдан четда қолиши эҳтимоли юзага келади яъни, бошқа сўзлар билан айтганда жиноятчилик илдизи билан қирқилмайди⁶. Бизнингча, бу қонунчилик эмас, балки амалий тусдаги муаммо.

Шу ўринда қайд этиш ўринлики, амалда 80%дан кўп ҳолатларда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган алкоголь маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш кустар усулда, хусусий тартибда ва савдо тармоқларидан ташқарида амалга оширилади⁷.

Жиноят субъектига оид масалани кўриб чиқишда, алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур жиноят субъектининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар кўп ҳолларда бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланишича, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади. Бунда жиноят оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади ҳамда ижтимоий хавфлилик даражаси ортади.

Бунда гуруҳ барқарор характер касб этади, таркиби доимий фаолият юритади; гуруҳ иштирокчилари ўртасида роллар тақсимланади; умумий юриш-туриш қоидалари ва ғазна мавжуд бўлади; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида коррупция алоқалари бўлади; гуруҳ хавфсизлиги таъминланади ва улар фаолиятини яшириш ва муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилади.

Шу билан бир қаторда ҳар бир жиноят иши индивидуал ўзига хос эканлигини инobatга олсак, қонунга хилоф равишда этил спирти, алкоголь маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ фаолиятига тавсиф бериш анчайин мушкул ҳисобланади. Бунда энг асосийси – айбдорларнинг ва (ёки) уларнинг ҳар бирининг алоҳида жиноят содир этишдаги умумий қасдини исботлаш, уюшган гуруҳ ҳар бир иштирокчисининг мазкур гуруҳдаги ўз роли ва ўрни мавжудлигини англаганлиги етарли.

Шундай қилиб, жиноят субъекти тавсифидан сўнг, субъектив белгининг навбатдаги жиҳати – жиноятнинг субъектив томонига ўтаемиз.

⁵ Тюнин В. Уголовная ответственность за производство, приобретение, хранение, перевозку или сбыт немаркированных товаров и продукции. – Законность, 2000. № 1.

⁶ Уголовное право Российской Федерации: (Особенная часть): Конспект лекций / Под ред. М.Т. Смирнова. – М., 2000. – С. 150.

⁷ Головлев Ю.В. Ответственность за хозяйственные преступления в сфере торговли в условиях рыночной экономики: Дис.... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 1993. – С. 117–118.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъектив томонини тадқиқ этмасак, биринчидан, ушбу жиноятларнинг юридик тавсифи тўлиқ бўлмайди; иккинчидан, субъектив белгилар бевосита объектив белгилар билан узвий боғлиқ ҳамда юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъектив белгилари таҳлили ушбу жиноят субъектини ўрганишни ҳамда жиноят-ҳуқуқий жазоланадиган ушбу қилмиш субъектив томонини тадқиқ қилишни қамраб олади.

Ушбу жиноятнинг субъектив томони ғаразли мотивлар ва тўғри қасд билан тавсифланади. Бунда “жиноят субъектив томони” умумий тушунчаси билан чегараланмасдан, этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъектив томонини кўриб чиқиш муҳим.

Бу бизга нафақат умумий “жиноят субъектив томони” тушунчаси мазмунини очишга, балки унинг ўзига хослигини таъкидлаш ва тавсифлашга ҳам хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида олиб борилган кенг қамровли ислохотлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари фаолияти натижасида бугунги кунда ҳар қандай вояга етган инсон этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш қонун билан таъқиқланганлигини ҳамда, 18 ёшга тўлмаганларга бундай маҳсулотларни сотиш ман этилганлигини ва ш.к.ларни билади.

Шу боис шахс давлат рўйхатидан ўтмасдан ва тегишли лицензияга эга бўмасдан туриб, алкоголь маҳсулотларни реализация қилиш билан машғул бўлса, у табиийки, ўз хатти-ҳаракатларининг ҳуқуққа хилоф ва ижтимоий хавфли эканлигини англайди. Башарти, шахс бундай фаолият билан рўйхатга олиш фаолиятини бузган ҳолда шуғулланса, демакки, айбдор нафақат қилмишининг ижтимоий хавфлигини, балки уларнинг қонун, шу жумладан жиноят қонуни билан таъқиқланганлигидан ҳам хабардор бўлади.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш тадбиркорлик фаолиятининг мустақил йўналишини ташкил этади ҳамда алоҳида рақам билан рўйхатга олинади ҳамда муайян маҳсус талабларга амал қилинган тақдирдагина рухсат берилиши мумкин.

Бундан ташқари ушбу фаолият билан шуғулланиш учун тадбиркор маҳсус лицензияга эга бўлиши лозим. Ушбу шарт, шу жумладан, унга риоя этмаганлик учун жавобгарлик ҳам тадбиркорга у рўйхатдан ўтиши мобайнида етказилади, шу боис унинг белгиланган тартибни четлаб ўтишида ўз ҳаракатлари оқибатларини кўра билмаслиги, у тўғрисида беҳабар бўлиши мумкин эмас.

Гарчанд, этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятнинг мотив ва мақсадлари бевосита Ўзбекистон Республикаси ЖК 186¹-модда диспозициясида кўзда тутилмаган бўлсада, “қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш” тушунчасининг ўзиёқ, уларнинг мотиви – ғараз, мақсади – даромад кўриш эканлигини англашга имкон беради. Бунда сўз оддийгина даромад ҳақида эмас, балки рўйхатдан ўтиш, лицензия олиш, солиқ тўлаш ва ҳ.к.ларни қисқартириш ҳисобига ўта юқори фойда олиш хусусида бормоқда.

Таъкидлаш ўринлики, айнан мотив ва мақсад ушбу жиноят субъектив томони иродавий жиҳати мазмунини белгилаб беради. Башарти, бундай жиноятни кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этиш факти (тўғри қасд) мунозараларга сабаб бўлмасада, бундай жиноятларни

квалификация қилишда айбдорнинг фойдага нисбатан муносабатини аниқлашда тадқиқотчилар фикрлари турлича. Айрим муаллифлар⁸ ушбу ҳолатда ҳам жиноят тўғри қасддан содир этилади деса, бошқалар⁹ ушбу ҳолатда эгри қасд тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ, дейдилар.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш бўйича суд ва тергов амалиётида, уларни кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этилиши билан квалификация қилишда, айбдор ўзи шахс, ташкилотлар, жамият ва давлатга кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказиш мақсадида ҳаракат қилганлигини тан олган бирон та ҳам ҳолат аниқланмаган.

Уларнинг энг асосий мақсади - даромад олиш бўлган. Улар ўз ҳаракатлари кўрсатилган субъектларга зарар етказаётганликларини англаганлар, бироқ онгли равишда бунга йўл қўйганлар ёки “мақсадга эришиш учун барча воситалар яхши” тамойилига таяниб, бундай оқибатларга бефарқ муносабатда бўлганлар. Зеро, этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, гарчанд у қонунга хилоф равишда амалга оширилаётган бўлса-да, тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида фойда олишни кўзлаши табиий.

Ушбу жиноят субъектив томонини баҳолашда, у қандай мотивлар асосида ҳаракат қилганлиги аҳамиятга эга эмас, шундай бўлса-да, улар асосида ғаразли интилишлар ётганлиги аниқ. Боз устига, этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти мотиви ва мақсади ушбу жиноят учун жазо тайинлашда инобатга олинади.

Алоҳида қайд этиб ўтишимиз ўринлики, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг кўриб чиқиладиган моддаси конструкциясида бундай маҳсулотларни муомалага киритиш мақсади субъектив томон зарурий белгиси сифатида бундай жиноятларга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кураш олиб бориш самарадорлигини белгилашда муҳим омил бўлди. Бу қуйидагича схемада ифодаланади: “сотиб олувчидан сотувчига, сотувчидан ташувчига, ташувчидан омборга, омбордан цехга”. Амалий нуқтаи назардан бу жиноий алоқадорлик занжирининг барча бўғинларини бартараф этиш, ҳуқуқий нуқтаи назардан исботлаш асосини таъминлаш, шу жумладан, айбдорлар риоя қилган қасд ва улар интилган мақсад мавжудлигини тўғри аниқлаш ҳамда уларнинг ташкилотчи ёки бажарувчи эканлигидан қатъий назар жиноий жавобгарликка тортишни кафолатлаш имконини беради.

⁸ Учебник Уголовное право Российской Федерации / Под ред. Иногамовой-Хегай Л.В. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 235.

⁹ Коротков А.П., Гусев О.Б., Завидов Б.Д., Попов И.А. Квалификация отдельных преступлений в сфере экономической деятельности // Право и экономика. – Москва, 2000. – № 1. – С. 31.